

**“ТАСДИКЛИЙМАН”**
Сирдарё вилоят болалар кун тармокли
Тиббиёт маркази бош шифокори
Ш.Т.Искандаров
1-сонли илова

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Хизматлар ҳажми – Озиқ-овқатнинг тахминий ҳажми: 449887500 (турт юз кирк туккиз миллион саккиз юз саксон етти минг беш юз)сўм. Озиқ-овқатни тайёрлаш ва етказиб бериш ҳар куни амалга оширилиши керак.

Хизмат кўрсатиш қиймати

Хизмат кўрсатиш шартлари (даврлари): шартнома тузилган пайдан бошлаб 2022-йил 31-мартгача.

Хизмат кўрсатиш жойи: Озиқ-овқатни тайёрлаш ва етказиб бериш (хисоб-фактуралар кўчирмаси билан) Ижро этувчи томонидан Буюртмачининг манзили бўйича амалга оширилади.: Сирдарё вилоят, Гулистон шаҳар, 3 мавзе, Богишамол маҳалласи.

Сифат ва ишончлилиққа бўлган талаблар:

Озиқ-овқатни тайёрлаш учун фақат барча зарур санитария меъёрларига жавоб берадиган юқори сифатли таом тайёрлаш воситаларидан фойдаланиш. Озиқ-овқат тайёрлангандан сўнг, тайёрланган озиқ-овқатлар беморлар учун хавфсиз бўлиши керак.

Озиқ-овқатсифати Буюртмачини қониқтирмаса, Ижро этувчи хизмат ҳақини қайта ундирмасдан озиқ-овқатни бошқатдан қайта тайёрлашга мажбурдир. Ижро этувчи хизмат кўрсатиш шартларига риоя қилган ҳолда хизматнинг юқори сифатли бажарилишини таъминлаши шарт (Озиқ-овқат тайёрлаш воситалари сифат даражасида бўлиши шарт).

Хизматлар қуйидаги меъерий-техник ҳужжатлар талабларига риоя қилинган ҳолда кўрсатилади: Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2015 йилдаги ЎРҚ-393 - сонли “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни; СанПиН 0342-17-сонли “Касалхона ичидаги инфекцияларни олдини олиш” - О’зDSt 995:2001 “Хизматлар. Асосий қоидалар”.

Бажарилган иш ҳажми учун ҳисоб-китоблар қуйидаги шароитлар бажарилганда 1 нафар бемор сифати бўйича асортиментда амалга оширилади:

- хизмат муддати соат 7:30 дан 17:30 соатгача, ҳафтада 7 кун, дам олиш кунларисиз амалга оширилади.

- дам олиш ва байрам кунларида хизматлар кўрсатиш нарҳини ўзгартирмаган ҳолда хизматлар кўрсатиш.

- тайёрланган таомлар юқори сифат даражасида тайёрланиши керак.

- озиқ-овқат маҳсулотларни юклаш, ташиш, тушириш ва қаватга кўтариш Ижро этувчи томонидан ўз маблағлари ва Ижро этувчининг ўз кучлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ижро этувчи озиқ-овқатнинг шикастланиши ва йўқолиши учун унинг тўлиқ нарҳини қоплаш орқали жавобгар бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг шикастланиши ёки йўқолиши факти иккала томон вакиллари томонидан далолатнома тузиш орқали аниқланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари шикастланган, алмаштирилган ёки йўқолган тақдирда, Ижро этувчи озиқ-овқат маҳсулотларининг қолдиқ қийматини қоплайди ва (ёки) шикастланган қисмини алмаштиради.